



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY XIZMAT PALATASI

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA

O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

2010-yil

Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31

Yanvar

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №03(3844)



14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли Ватан ҳимоячилари – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан ҳимоячиси деган олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуг сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг ун саккиз йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли қафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш ва миллий армиямизни шакллантириш борасида ўзининг моҳияти ва кўламига кўра том маънода улкан ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узок муддатли дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлими ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона қудратли тизимга бириктирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди.

Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принциплал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқарув ва тузилмаларнинг бир-бирини тақрорлайдиган, кам самарали бўлган тугатилди. Бу ўз навбатида мазкур бошқарув ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

Мамлакатимиз ҳудудига суқилиб қирадиган ҳар қандай тажовузор босқинчиға қарши қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси бўлинмалари ва бошқа замонавий жанговар бўлинмалар ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини кучайтириш давом эттирилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни принциплал жиҳатдан тубдан ўзгартирди.

Шу йиллар мобайнида ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ турлари билан қуроллан-

тириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, пул таъминотини ошириш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

Шу давр ичида амалга оширилган ишларни баҳолаб эканмиз, бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, биринчи навбатда, Афғонистондаги тобора кескинлашиб бораётган аҳвол билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва аҳтимол тутилаётган хавф-хатарларнинг кучайиб, наркоагрессия, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг миқёси кенгайиб бораётгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларимизни ҳимоя қилиш ва кўриқлаш чораларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Қуролли Кучларимиз олдиға қўйилган вазифаларни амалга ошириш масаласи биздан Ватанимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ва тобора кучайиб бораётган ана шундай талабларни ҳисобга олган ҳолда, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини таъминлаш амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман:

Биринчи. Қуролли Кучларимиз қисмларининг сафарбарликка доимий равишда тайёрлиги ва ҳаракатчанлигини, уларнинг оз бериши мумкин бўлган турли таҳдид ва хавф-хатарларни, чегараларимиз дахлсизлиги, фуқароларимизнинг тинч-осойишта меҳнати ва ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз уринишларни ўз вақтида ва самарали бартараф этиш қобилиятини таъминлаш даркор.

Иккинчи. Қуролли Кучларимизнинг қисм ва бўлинмаларини энг янги қурол-яроғ ва жанговар техника билан қайта жиҳозлаш, замонавий воситалар билан таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш муҳим принциплал аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

Фидо бўлсанг дея,
сенга жону тан,
Қасамд қилурмин,
сенга жон Ватан!



ЭЛ-ЮРТГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тошкент шаҳрида барпо этилган "Ватанга қасамд" ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

12 январь куни давлатимиз раҳбари госяи ва ташаббусига асосан бунёд этилган "Ватанга қасамд" ҳайкалининг тантанали очилишига бағишланган маросим бўлди. Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Давлатимиз раҳбари "Ватанга қасамд" монументини очди ва унинг пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маросимда нутқ сўзлади.

Қасамд – шунчаки расмий тадбир эмас, ҳар бир инсон ҳаётидаги унутилмас воқеадир. Шу боис ушбу мажмуа Президентимиз Ислам Каримов тақлифига биноан "Ватанга қасамд" деб номланди.

Вохид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА муҳбири

ВАТАНИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мустақиллигимизнинг муҳим қафолати, озод ва обод Ватанимизни мустаҳкам ҳимоя қилишга қодир ишончли қалқондир. Шу кунларда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 18 йиллиги кенг нишонланмоқда.

"Туркистон" саройида 13 январь куни ушбу байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди, мамлакатимизнинг ягона мақсад ва

вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа комплекси вужудга келди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Ушбу фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириб белгиланди. Муддатли ҳарбий хизматдаги, сафарбарлик-чақирув резервидаги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, уларда она юртининг ишончли ҳимоячиси бўлиш учун ҳамisha шай туришга асосланган характери, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

Вазирликда шодиёна

ШАРАФЛИ ХИЗМАТГА ЮКСАК ЭЪТИБОР



Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир хизматчи – у генерал ёки офицер бўладими, сержант ёки оддий аскар бўладими – бундан қатъи назар, уларнинг барчаси дунёда ягона бўлмиш Ўзбекистонимизнинг фарзандларидир. Уларнинг зиммасидаги масъулиятли ва муқаддас вазифа ҳам битта – она юртимизни, халқимизни ишончли ҳимоя қилишдан иборат. Ислам КАРИМОВ.

Ватан нима? У қандай илоҳий сўз эканки, уни эшитиш ҳамоно юраклар жўшиб, кўнгилларда меҳр-муҳаббат гўнча ота бошлайди. У шундайин муқаддас тушунчаки, қалб ҳароратидан вужудимиз таскин топади. Ватанни оқ сўт бериб ўстирган онага тенглаштирамиз.

Ҳа, Ватан – муқаддас. Уни сақламоқ, авайламоқ, керак бўлса жон фидо қилиш шу заминда яшаётган ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир. Таъкидлаш жоизки, тинч ва осуда ҳаётимиз,

мусаффо осмонимиз, жажжи болажонларимизнинг қувноқ кулгуси, ота-оналаримизнинг осуда умр кечириши юртимизда барқарор бўлиб турган тинчлик ва осойишталикдандир. Шуни фаҳр билан айтсак бўладики, бугун мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашга қодир бўлган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган Қуролли Кучларимиз бор.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИ

Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ички ишлар идораларининг масъул ходимлари ва соҳавий хизматлари раҳбарлари иштирок этишди.

Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б. Матлубов кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Ҳайъат раиси кун тартибидagi биринчи муҳим масала – мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуслари билан 2010 йилни «Баркамол авлод йили», деб эълон қилингани муносабати билан республика ички ишлар идоралари олдиға қўйилган вазифалар тўғрисида сўз юритиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Нотик хусусан, хизматга қабул қилинган ёш ходимларга соҳавий сир-асорларини пухта эгаллашларида яқиндан ёрдам кўрсатиш, уларга бириктирилган мураббийлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини ўқитиб ўтди.

Республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, полковник А. Ибрагимов ички ишлар идораларининг 2009 йил давомидаги тезкор хизмат фаоли-

ятининг натижаларига тўхталди. Чунончи, жиноятчиликка қарши кураш ишларининг аҳоли ва уни такомиллаштириш чора-тадбирларига эътибор қаратиб, мамлакатимиз ички ишлар идоралари томонидан ҳисобот даври мобайнида жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, ёнган хавфсизлиги, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасида муайян ютуқлар кўлга киритилганини таъкидлади. Шунингдек, ҳисобот даврида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигини қайд этар экан, баъзи минтақаларда гиёҳвандликнинг олдини олиш, тезкор-қидирув, хизматлараро ҳамкорликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчилик билан алоқаларни янада кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар талаб даражасида эмаслигини кўрсатиб ўтди. Соҳавий хизматлар фаолиятида кузатилаётган бу каби сусткашликларга барҳам бериш, хизмат интизомини яхшилаш, олиб борилаётган ишларни танқидий нуктадан назардан баҳолаш хизмат самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлиши эътироф этилди.

Мажлисда кун тартибидagi учинчи масала – республика Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг биринчи ярим йилликка мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Генерал-лейтенант Б. Матлубов ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари ходимлари халқ ичига кириб бориб, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашлари, профилактика доирасидаги тадбирларнинг самарадорлигини оширишлари борасида мажлис иштирокчилари олдиға аниқ вазифаларни қўйди.

Айниқса, Президентимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган бу йилда мамлакатимиз келажаги бўлимиш – ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, оилада, боғчада ва барча таълим муассасаларида нодавлат ташкилотлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бориш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан ИИВнинг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда жойлардаги ИИБ раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Танқидий руҳда ўтган мажлис якунида ички ишлар идоралари олдида турган галдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди ва қўриб чиқилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Кобилжон ШОКИРОВ.

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Шу муносабат билан хорижий ҳамкор давлатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни янги поғонага кўтариш ва кўламини кенгайтириш, 2010-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш зарур.

Қўшинларнинг взвод-батальондан тортиб ҳарбий округларгача бўлган юксак даражадаги жанговар қобилиятини таъминлашга қаратилган ўқув-жанговар тайёргарлик ишларини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Жанговар операцияларни амалга оширишнинг тактикаси ва усуллари мунтазам равишда ўзгариб, энг янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда шахсий таркибнинг индивидуал ва гуруҳ шаклидаги жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий малакани эгаллаш бўйича принципиал жиҳатдан янги дастурларни жадал ишлаб чиқиш ва жорий этиши, қўмондонлик-штаб ва тезкор-тактик ўқув машқлари ўтказишни тубдан қайта қўриб чиқиш талаб этилади.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳарбий санъатни ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш – бугунги кунда бу талаб армия-мизни модернизация қилиш борасидаги барча ишларимизнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Учинчи. Ҳарбий бошқарув тизимини тақомиллаштириш, эҳтимол тутилган жанговар ҳаракатлар майдонининг ўзига хос шароитида бутун мудофаа тизимида барча қўшин турларига қарашли қисм ва бўлинмалар, вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, уларнинг аниқ ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишини таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Армиямизнинг давлат чегараларимизни ишончли қўриқлашга қодир бўлган, мамлакат мудофаа тизимидаги заиф нуқталарни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг бартараф

этилишини таъминлайдиган, ҳар томонлама пухта ташкил этилган механизм, бир сўз билан айтганда, барча таркибий қисмлари ўзаро узвий боғланган ягона жанговар комплекс сифатида тўлақонли фаолият юритишига эришиш гоёта муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўртинчи. Офицер ва сержант кадрлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай оладиган офицер кадрлар, шунингдек, қўл остидаги бўлинмалари самарали бошқаришга, уларда соғлом ахлоқий-руҳий вазиятни сақлашга қодир профессионал сержантларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юртлари ва сержантлар мактаблари фаолиятини замон талаблари ва стандартларини эътиборга олган ҳолда тубдан яхшилаш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари, қўшинларни бошқариш методла-

ри, жанговар операцияларни амалга оширишнинг тактик усуллари, жанговар тайёргарлик ва тарбиявий ишлар дастурларини тажриба ва синовдан ўтказишда асосий база вазифасини бажарадиган ҳарбий билим юртлари Қуролли Кучларимизнинг етакчи, бош ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор.

Шу мақсадда ҳарбий таълим муассасаларини зарур ҳарбий техника ва тренажёрлар билан жиҳозлашга, ўқув жараёнида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан, моделлаштириш ва симуляция усулларида фойдаланиш масалаларига ўта жиддий эътибор қаратиш зарур.

Бешинчи. Юртимизда 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши армиямизнинг ўзигани ташкил этидиган ёш офицерлар, сержантлар ва аскарлар ўрта-сида тарбиявий ишлар тизимини тақомил-

лаштириш бўйича мамлакатимиз Қуролли Кучларининг қўмондонлик ва бошқиклар таркиби зиммасига янги, янада масъулиятли вазифалар юклайди.

Шу муносабат билан аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматини ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини изчил ва тизимли равишда яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шахарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларининг тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қуролли Кучларимизнинг олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, бутун қўмондонлик таркибидан Ўзбекистон Республи-

каси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 18 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Директивасида белгилаб берилган қоида ва кўрсатмаларни сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Азиз дўстлар!

Бугунги қўлуғ-байрам кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизматни муносиб тарзда ўтаётган ва захирадаги ҳарбийларга, барча Ватан ҳимоячиларига мурожаат қилар эканман, армиямиз Ватанимизнинг муқаддас сарҳадлари, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, мусавфо осмонимизнинг ишончли ҳимоясини таъминлашга қодир, деб қатъий ишонч билдираман.

Сизларни яна бир бор Ватан ҳимоячилари кун билан чин қалбимдан табриклайман! Барчангизга сикхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар
Олий Бош Қўмондони

Вазирликда шодиёна

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Она-Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юкланган. Жумладан, улар мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш, эл-юрт осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, наркотрафик, одам савдоси, терроризм ва диний экстремизм каби чегара билмас иллатларнинг инди-

сафларида хизмат қилиш истагини билдирган ёшлар бир қатор синовлардан ўтганидан сўнг хизматга қабул қилинмоқда, – деди вазир ўз сўзида. – Уларнинг касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Офицерлар ва сержантлар ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида, Қуролли Кучлар сержантлар тайёрлаш мактабларида ўз билим ва малакаларини мустаҳкамламоқдалар. Ва-

Дарҳақиқат, ҳар қандай фидойилик эътиборсиз қолмайди. Балки, элимиз, халқимиз томонидан эътироф этилаверди. Давлатимизнинг юксак мукофоти вазириимиз қўлидан қизгин олқишлар остида олаётган ҳамкасбларимиз чеграсида мамнунлик, қувонч, Ватанга бундан-да сидқидилдан хизмат қилиш иш-тиёқи балкиб турарди. Улар қалбларида ҳақриқиб чиқаётган жўшқин ҳаяжонни кўйидаги дил изҳорлари орқали билдирадилар:

– Ватанга хизмат қилаёт-

ШАРАФЛИ ХИЗМАТГА

ЮКСАК ЭЪТИБОР



зани қуритиш борасида бор куч ва имкониятларини сарфламоқда.

Тинчлик – энг олий неъмат. Уни қўз қорачигдек асраётган посбонларимизнинг мардлиги, матонати, жасорати ҳукуматимиз, халқимиз томонидан муносиб эътироф этиб келинмоқда. Истиқлол эпкини тўғрисида ҳар йили 14 январь санаси Ватан ҳимоячилари кун сифатида кенг нишонланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам ушбу санага бағишланган шодиёна бўлиб ўтди.

Вазирлик мажлислар зали байрамона безатилган. ИИБ Намунали кўргазмали оркестри тантана иштирокчиларини чорламоқда. Оркестр садоларида она-Ватанга содиқлик, уни севиш ва ардоқлашдек шарафли улуғворлик бор. Тадбирда ИИБ Марказий аппарати бош бошқармалари, бошқармалари ва соҳавий хизматларининг шахсий таркиби ҳозир бўлишди.

Залга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов бошчилигида вазирлик раҳбарияти кириб келди. Давлат байроғи олиб кирилди ва мадҳиямиз янгради. Шундан сўнг вазир тантанани очиб деб эълон қилиб, йиғилганларни қўлуғ айём билан муборакбод этди.

Б. Матлюбов ўз сўзида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёда» ҳайкалининг бошчилигида вазирлик раҳбарияти кириб келди. Давлат байроғи олиб кирилди ва мадҳиямиз янгради. Шундан сўнг вазир тантанани очиб деб эълон қилиб, йиғилганларни қўлуғ айём билан муборакбод этди.

зирлик тизимидаги ҳарбий қисмларда ва таълим муассасаларида хизмат қилаётган ҳар бир ходим ҳамда аскарларнинг билимини оширишга, маънавий етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ватан равнақи, тинчлиги, осойишталиги йўлида ва халқимизнинг бахту саодати учун ўзининг муносиб хизмати билан ҳисса қўшаётган фидойи ходимларни ҳақиқий мардлар десак янглишмаймиз.

Республика ИИБ ШТБХ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник У. Гапаров Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ўқиб эшиттирди.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов тақдирланганларга Ватанимизнинг юксак мукофотларини ҳамда хизматда намуна ва ибрат кўрсатган ходимларга «А'ло хизмати»га ишун» кўрак нишони ва Фахрий ёрлиқлар топширди.

Тақдирланганлар номидан Тошкент шаҳар ИИББ АВБСО командири, майор С. Абдуқадиров, ИИБ Бирлашган таҳририят бош муҳаррири, полковник З. Неъматов ва вазирлик Марказий поликлиникаси бўлинма бошлиғи, майор А. Болухлар сўзга чиқдилар.

– Бугун бизнинг камтарона хизматимизга юксак баҳо берилганини учун хурматли вазириимизга ҳамда муҳтарам Юртбошимизга барча мукофотланган ҳамкасбларимиз номидан самимий миннатдорлик билдираимиз. Бу эътибор бизнинг қўлимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Президентимиз Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриқларида Ватан ҳимояси энг олжанов иш эканлигини таъкидлади. Ана шу шарафли ва олижанов ишни амалга оширишда барчангизга сикхат-саломатлик ва омадлар тилайман, – деди жумладан полковник З. Неъматов.

ганимдан фахрланамиз, – дейди «Шўхрат» медали соҳиби, Тошкент шаҳар ИИББ сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси, катта сержант Ф. Холмуродов. – Мана шундай камтарона хизматим қадрланганидан бошим кўкка етди. Билдирилган ишонч ва эътирофни оқлаш учун бор куч ва салоҳиятимни ишга соламан, деб ваъда бераман.

– «Жасорат» медали соҳиби бўлдим, – дейди Сирдарё вилояти ИИБ АВБСО катта мутахассиси, катта сержант З. Ибрагимов. – Хизматимизнинг ҳукуматимиз, халқимиз томонидан қадрланиши менга ўзгача кўтаринчилик, ишонч ва шижоат бағишлади. Тинчликнинг қадрига етиб яшаш керак. Шу азиз Ватан барчамизники, уни асраб, авайлаш барчамизнинг чин фарзандлик бурчимиздир. Юрт осойишталиги йўлида керак бўлса жонимизни беришга ҳам тайёرمىз.

Байрам шодиёнаси концерт дастурига улашиб кетди. ИИБ Ашула ва рақс ансамбли, «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи аъзоларидан иборат хонандалар, эл севган санъаткорлар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Озодбек Назарбеков, Тожибар Азизова, хушовоз хонандалар Анвар Санаев, Алишер Файз ижросидаги куй-қўшиқлар ҳамда сўз усталари Мирзабек Холмедов, Валижон Шамшиевларнинг ичакузди хангомалари тадбирга фойз бағишлади.

Ҳа, жонанон Ватанимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашдек шарафли ва масъулиятли, шу билан бирга, савобли ишларни бажаришга посбонларимиз камарбаста. Уларда бунинг учун матонат, мардлик ва жасорат каби фазилатлар етарли. Зеро, бундай аjoyиб фазилат соҳиблари доим кадр топаверди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» муҳбири.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак унвон ва мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида ички ишлар идораларининг қўйидаги ходимлари бор.

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қўйидагилар мукофотландилар:

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуқадиров Суннаталли Алдабергенович – Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Абдурахимов Санжар Бахтиёрович – Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Абдурахмонов Рафик Фахриддинович – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Адилов Зафар Закирович – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Аслидинов Фирдавс Юсуфджанович – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Ибрагимов Закир Талипович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Исламов Ағзамжон Ахмадович – Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Казак Юнусали Турдалиевич – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

Сайдахметов Даниёрбек Равшанбекович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

Эргашев Ихтиёр Кузиевич – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Каримов Обиджон Давлатович – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Отажонов Одилжон Раҳимжанович – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Рустамов Илхом Исматович – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Сотқинов Таваккалжон Расулович – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

Хужакулов Раҳманкул Аллакулович – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН


Сафаев Юсупбай Хужабайевич – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Холмуродов Фарходжон Кучкарович – Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

Юсупов Бахтияр Нуратдинович – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Юртимизда тинчлик ва осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги фидокорона хизматлари юқори баҳоланган ҳамкасбларимизни Ватанимиз мукофотлари билан чин дилдан муборакбод этамиз.

ВАТАНИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ



(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Замонавий ўқув базиси билан таъминланган сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари ҳарбий тайёргарликни илғор илм-фан ва техника ютуқларига асосланган ҳолда олиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини, билим ва қўникмаларини ошириш, маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Жумладан,

ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган алоҳида имтиёзлар жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 11 январда қабул қилинган фармонида мувофиқ Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъана тусини олган уч бошқичли танловга асосан, 2009 йилдаги энг илғор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командири ва энг илғор сер-

жант аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илғор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби ва олий ҳарбий билим юрти ҳам мукофотланди.

Йиғилишда сўзга чиққан катта лейтенант Мурод Қосимов, кичик сержант Шавкат Чориев, ҳарбий хизматчи онаси Муқаддас Раҳматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчиларга кўрсатган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Озод РАҲАБОВ,
Ўза муҳбири

ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ



Юртимизда барқарор бўлиб турган тинчлик ва оқошталлик Ватанимиз тараққиёти, фаровон ҳаётимиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятининг юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Тинч ва оқошда ҳаёт ҳукмрон юртга байрам, тўя тантаналар ярашади. Халқимизнинг мард, жасур фарзандлари бор экан тинчлик ва оқошталлик бардавом бўлаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табриғида таъкидлаганидек, мамлакатимизда Қуролли Кучларни ҳар томонлама юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жумладан, армиямизнинг сафарбарли-

ги, ҳаракатчанлиги ва сергаклигини кучайтириш, маънавий жиҳатдан юксак, билим доираси кенг, теран фикрлайдиган кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини кучайтиришга катта эътибор берилмоқда.

14 январь – Ватан ҳимоячилари кўни

муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси вакиллари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари – генерал ва офицерлар, Мустақиллик майдонида ташриф буюриб ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган

Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйди.

Ўз мухбиримиз. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



УНВОН МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

Юртимиз тинчлиги, оқошталлигини таъминлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда кўрсатаётган фидокорона хизматлари ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ички ишлар идораларида хизмат қилаётган кўйидаги ҳодимларга навбатдаги полковник махсус унвони берилди.



Сайфутдинов Нодир Тоҳирутдинович – ИИБ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.



Маматов Раҳмат Тошназарович – Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖК ва ТҚБ бошлиғи.



Шерназаров Издат Назарович – Хоразм вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖК ва ТҚБ бошлиғи.



Абдуллаев Рашид Равшанович – Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари.



Ҳайдаров Элмурод Каримович – Андижон вилояти ИИБ ЖК ва ТҚБ бошлиғининг биринчи ўринбосари.



Турсунов Улугбек Ботирович – Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ бошлиғи.



Юлдашев Азиз Имонкулович – Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ бошлиғи.



Қодиоров Жўрабой Ҳасанович – Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ тергов бўлими катта терговчиси.



Мухитдинов Зайнитдин Сайфиддинович – Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБ тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари.

Умид Боллиева, «Постда» мухбири.

ЎҒЛОНЛАРИНГ БОР БЎЛСИН, ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам – Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тантанани мактаб бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор, генерал-майор Матрасул Собиров кириш сўзи билан очиб, барчани Ватан ҳимоячилари кўни билан қизгин табриклади. Шунингдек, юрт ҳимояси нақадар шарафли, масъулиятли

ва муқаддас вазифа эканлигини, бу йўлдаги муносиб хизматларида барчага муваффақият омад ёр бўлишида эзгу тилаклар билдирди. Шундан сўнг ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Фахриддин Раҳимов байрам қатнашчиларини муборакбод этиб, уларга эзгу ишларида муваффақият, сиҳат-саломатлик тилади.

Халқ демократик партияси

Сирғали туман бўлими ходими Зуҳра Ҳасимова сўз олиб, Ватаннинг муқаддаслиги, унинг тинчлиги ва оқошталлигини, дахлсизлигини таъминлашга бел боғлаган юртининг асл ўғлонлари хизматининг нечоғли қадри эканлиги хусусида гапирди. Олий мактаб ўқитувчиси, капитан Малоҳат Бадалбоева эса йиғилганларни савиймий кўлаб, ўз ижод намуналарини шеърларидан ўқиб берди. Кур-

сант С. Султонов ҳам ўз байрам тилақларини билдирди. Шундан сўнг, хизматда бошқаларга ўрнак бўлаётган ҳодимларни тақдирлаш тўғрисидаги мактаб бошлиғининг буйруғи ўқиб эшиттирилди. Ўзининг фидойилиги ва алоҳид хизматлари учун подполковник Собир Эргашев Ички ишлар вазирлигининг «Алоҳид хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланди. Бир гуруҳ ҳодимлар эса Фахрий ёрлик билан

тақдирланди. Ўзининг намунали хулқи ва тиришқоқлиги учун бир гуруҳ курсантларга ҳам миннатдорлик хатлари топширилди. ИИБ Ашула ва рақс ансамбли ҳамда мактаб хаваскорлар тўғрисидаги наҳдларининг дилтортар куйи ва қўшиқлари, сўз усталари Валижон Шамшиев ва Шерали Ҳожиёвнинг инакузди хангомалари йиғилганларни янада ҳушнуд этди.

Умид Боллиева, «Постда» мухбири.

Кўрик-танлов

ЗАФАРОБОДДАГИ НАМУНАЛИ МАСКАН

Фарғона вилоятида «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Юқори савияда ташкил этилган мазкур танлов натижаларига кўра, Бағдод тумани «Зафаробод» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 225-милиция таянч пункти 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўллама олди. Марғилон шаҳар «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 69-милиция таянч пункти 2-ўринни, Фарғона тумани «Чимён» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 300-милиция таянч пункти 3-ўринни кўлга киритди.

Зафаробод қишлоғи вилоят марказидан 60 километр узоқда, Марказий Фарғона чўлларидаги қўқ марказида жойлашган. Ушбу гўшада 3500 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. «Тошкент – Ўш» катта магистрал йўли қишлоқнинг ёнгинасидан ўтган. Бу йўлдан қатнаётганлар оз фурсатда Зафарободда янги шаҳарча пайдо бўлганини кўп гапирадиган бўлишиди. Ҳақиқатан ҳам милиция таянч пункти биноси, тикувчилик цехлари жойлашган 4 та ҳашаматли ўтов катта йўлдан низоҳатда чиroyли ва гўзал кўринади.

Вилоят ички ишлар бошқармаси, туман ҳоким-

лиги ва қишлоқ фаолларининг саъй-ҳаракати билан қисқа фурсатда милиция таянч пункти замонавий тус олди. Мазкур маскан қишлоқда ташкил этилган ўқувчилар ижодиёт маркази, ахборот ресурс маркази, спорт майдончаси доимо қишлоқ ёшлари билан гавжум. Тикувчилик цехларида қизлар иш билан банд. Бичувчилар хонасида эса чеварлар ҳунар ўрганиш билан бирга мустақил равишда бичиш-тикиш билан шуғулланишяпти.

Профилактика инспектори, ЖК ва УЖҚК тезкор вакили, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, диний маъри-

фат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари, хотин-қизлар кенгаши, паспорт бўлинимаси, яраштириш комиссияси, солиқ инспектори битта бинода фаолият олиб бораётгани қишлоқ аҳли учун жуда катта қўлайлик яратмоқда. Арзизмаган юмуш билан туман марказига бориб-келиш ҳолатлари барҳам топди.

Қишлоқ фаоллари ва профилактика инспекторининг ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган тўғайли жиноятчилик йилдан-йилга қамайиб бормоқда. 2007 йилда қишлоқ ҳудудидан 7 та жиноят содир этилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 4 тани, 2009 йилда эса 1 тани ташкил этди.

Зафарободликлар 225-милиция таянч пункти кўрик-танловининг республика босқичида ҳам ғолиб бўлиши учун ҳудудда оқошталлиқни таъминлаш, маҳаллаларни янада ободонлаштириш мақсадида бор куч ва имкониятларини ишга солишяпти.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Республика ички ишлар идораларида ҳар йили «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови ўтказиб келинаётгани профилактика инспекторларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро тажриба алмашишида муҳим омил бўлмоқда. Навоий вилояти ИИБда мазкур тадбирнинг 2009 йил якуни бўйича туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни кўлга киритган иштирокчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов якунига кўра, Хатирчи туманидаги 97-милиция таянч пункти биринчи ўринни кўлга киритди. Мазкур масканда хизмат қилаётган профилактика инспектори, капитан Ш. Ўсаров республика босқичида иштирок этиб, вилоят шаънини ҳимоя қилади. Иккинчи ўринга Зафаробод шаҳридаги 15-милиция таянч пункти, учинчи ўринга эса Қизилтепа туманидаги 38-милиция таянч пункти лойиқ, деб топилди.

Танловнинг «Энг фаол профилактика инспектори» номинацияси бўйича ғолиблик Конимех туманидаги 73-милиция таянч пункти профилактика инспектори, майор И. Эргашевга насиб этди. Учқудук



тумани ИИБ ҲОҒБ ВЕОҲОҒ инспектори, катта лейтенант И. Сана-

кулов «Энг фаол ВЕОҲОҒ инспектори» деб топилди. «Энг яхши иш

юретиш маданиятига эга бўлган профилактика инспектори» деб Томди туманидаги 32-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Ж. Нурбердиев топилди. Туман босқичида «Маҳаллада энг яхши обрўга эга бўлган профилактика инспектори» деб топилган Нурота туманидаги 90-милиция таянч пункти профилактика инспектори, майор У. Эргашев вилоят босқичида ҳам ушбу йўналиш ғолиби бўлди.

Ғолибларга бошқарма ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ, лейтенант.

Суратда: вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Р.Абдуллаев профилактика инспектори, капитан Ш. Ўсаровга эсдалик совғаси топширмоқда.

Кўпкураш

Сўнгги пайтларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан, ички ишлар идоралари ҳодимлари ўртасида спорт мусобақаларини тез-тез ўтказиб туриш анъанага айланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, соҳавий хизматларда яхши спорт жамоалари шаклланиб борапти.



ЮКСАК МАҲОРАТ СОҲИБЛАРИ

Яқинда республика ИИБ Марказий аппарати соҳавий хизматлари ҳодимлари ўртасида Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб кўпкураш мусобақаси ўтказилди. Икки кун давом этган беллашувларда йигирма бир жамоа вакиллари тош кўтариш, ўқ отиш, саватчага тўп тушириш, ўқ отар қуролларни йиғиш ва қисмларга ажратиш, 1000, 3000 метрга ҳамда 4х100 эстафета югуриш, тўсинада тортилиш каби спорт турларида кўч сынашди.

Қизқарли кечган баҳслар якунига кўра ғолиб жамоалар маълум бўлди. Мусобақада ИИБ Жазони ижро этиш бош бошқармаси спортчилари ва тенг келадиган жамоа топилмади ва улар фахрли биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ва вазирлик ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони жамоаси иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди.

Шунингдек, саватчага тўп тушириш баҳсида О. Мўжабаева (Интерпол ММБ), тош кўтаришда Ж. Раҳимов («Қўриқлаш» бирлашмаси), аёллар ва эркеклар ўртасида ўқ отиш беллашувларида Н. Азимова (ЕХББ), Н. Соипов (ШТБХ), ўқ отар қуролларни йиғиш ва қисмларга ажратишда ШТБХ жамоаси аъзолари Д. Ҳайдаров ҳамда Г. Амердинова, 1000, 3000 метрга ҳамда 4х100 эстафета югуриш баҳсида Г. Ўқтамова (ЖИЗББ), С. Мавлянов (ППХ ва ЖТСББ АМБ), Е. Керн (ҚҚББ), тўсинада тортилиш бўйича Д. Левин (ҚҚББ) шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Беллашувлар қизқарли ўтганлигини унинг мурасасиз тус олганлиги билан изоҳлаш мумкин, – дейди мусобақа бош хаками, майор Раҳматилла Аҳмедов. – Мусобақа ҳараёнида ҳодимларимизнинг яхши спорт формасида эканлиги яққол маълум бўлди. Айтиш

жоизки, олдинги беллашувлардан фарқли ўлароқ, бу гал янги-янги натижалар қайд этилгани мусобақа савиясини ошиб бораётганидан далолатдир.

Мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимини республика Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, полковник А. Мирзаев кириш сўзи билан очар экан, инсоннинг жисмоний чиниқишида ва ўз имкониятларини намоён этишда спорт мусобақаларининг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади. Полковник А. Мирзаев спортчиларни Ватан ҳимоячилари кўни билан вазирлик раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан қизгин табриклади ҳамда уларнинг келгуси ишларида муваффақият тилади. Ғолиб жамоа ва спортчиларга Фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ф. АЗИЗОВ.

Суратда: мусобақадан лавҳа. А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

Мини-футбол

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Хоразм вилояти ИИБда футболни ривожлантириш бўйича «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан хайри ишлар қилинмоқда. Футбол тўғрисида кўплаб иқтидорли ёшлар тарбияланмоқда. Уларга тақрибани мураббийлар сабоқ беришяпти. Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ташкил этилган футбол мусобақасида ўрта жамоа иштирок этиб, совринли ўринлар учун кураш олиб боришди. Кескин ва мурасасиз баҳсларда вилоят ИИБ ШТБХ жамоаси биринчи, патруль-пост хизмати иккинчи, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси вакиллари учинчи ўринни кўлга киритишди. Мусобақада номинациялар бўйича молия-иқтисод бўлими

бошлиғи ўринбосари, майор Шухрат Ҳасанов «Энг яхши дарвозабон», йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори, сержант Бекзод Абдуллаев «Энг яхши ҳимоячи», ШТБХ катта инспектори, майор Озод Аллаберганов «Энг яхши тўпурар», Патруль-пост хизмати милиционерини, сафдор Умирбек Ражабов «Энг яхши ҳужумчи», вилоят «Динамо» ЖТСЖ раисининг ўринбосари, подполковник Отабек Рўзметов «Энг ёши катта ўйинчи» деб топилди.

Ғолибларга вилоят ИИБнинг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, майор.

«ВАТАНПАРВАР» — ГАЗЕТАСИ МЕҲМОНИМИЗ



Ислохотларимиз самараси ҳақида кўп ва ҳўп гапиримиз. Менимча, эришадиган ютуқларимиз замирида аввало, бой маънавиятимизнинг тиклиниши, мустақамлалиши ётади. Негаки тафаккуримиздаги ўзгаришлар бизни янги-янги довонларни забт этишга руҳлантирмоқда.

Баҳорда ҳарбий қасамд қабул қилиш тантанасида аскарларимиздан бирининг отаси Санокул Ойтуғдиев ҳаяжон ила шундай сўзларни айтди:

— Иккинчи ўғлим Нурали чегара қўшнларида хизмат қилмоқда. У ақаси Шохруҳга ҳавас қилиб, чегарачи бўлишга аҳд қилди. Хурсанд бўлдим. Йигит воёга етгач, юртининг, халқининг фарзанди бўлади-да. Сарҳадларимизни кўриқлаб, ҳушёр, сергак турсин. Биз хотиржам яшаб, улуғвор ишларга ўз ҳиссамизни қўшаверамиз, — деди у.

Ха, оталар, оналар бугун ана шундай фикрлашмоқда. «Ўғлим армияга борса, Ватанини ҳимоя қилса, чиникиб, тобланса», дейишади. Бу уларнинг маънавиятидаги ўзгаришдан эмасми?!

Ўзлгимизни, қимларнинг авлоди эканлигимизни англай бормганимиз сари онгимизда Ватанга муҳаббат туйғулари шаклланимоқда. Томирларимизда миллий ғурур жўш ура бошлади. Фарзандларимизни ҳам шу руҳда тарбиялай бошладик. Томирида миллий ғурур, фахр туйғулари жўш ураётган бу авлод ҳали кўпдан-кўп буюк ишлари билан дунёни лол қолдиради.

Бугун профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямизни ватанпарварлигининг ўзига хос мактаби дейиш мумкин. Она

юрт посбонларини буюк аждодларимиз Жалолддин Манғуберди, Амир Темур каби жасур, мард, бир сўз билан айтганда, муносиб ворислар, она-Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз йўлидаги ўстувор мақсадларимиз бугун ўз самарасини бермоқда.

Қуролини Кучларимизни ислох қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилган улкан ишларимиз барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мулқоқ янги тизимга ўтишга имкон берди. Янги ташкилий-

ўрнини, хавфсизлигимизга қарши қаратилган жиддий ички ва ташқи таҳдид ҳамда хатарларни, айниқса, кучайиб ва фаоллашиб бораётган халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия, оммавий қирғин қуролиларнинг тарқалиши каби бало-қазолар ҳисобга олинган.

Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор таҳрибларини ўзида муҳассам этган бўлиб, айни пайтда миллий жанговар аъналаримизни юксак садқат билан давом эттирмоқда, шу билан бирга, минтақамизда рўй бериш аҳтимоли мавжуд бўлган ҳарбий ҳаракатлар ва жанговар амалиётлар ҳам ҳар томонлама эътиборга олинмоқда.

Ислохотларнинг энг муҳим амалий натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий

муҳитнинг бутунлай янгиланганида жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарганида кўриш мумкин.

Бундайн ютуқлар тараққиёт, истиқбол йўлида қалби уйғоқ ҳар бир инсонни фахрлантиради. Ватан ҳимоячилари кўни барчамизнинг байрамимиз, барчамизнинг тантанамизга айилани бораётган замирида бу фахрни, ифтихорни янада теран ҳис қилиш мумкин.

Халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва маҳорат борида ҳеч қимдан кам бўлмаган Қуролини Кучларга эга эканлигимиз кишига ғурур, фахр бағишлайди.

А. САФАРОВ,
подполковник.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» якунланди

ОЙЛИК ТУГАДИ, ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг фармойишига асосан республикамиз ҳудудида ўтказилган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» ўз нихоясига етди.

Тадбирга йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларидан ташқари идоралар, ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси, халқ таълими тизимидан вакиллар ҳам жалб этилди. Улар томонидан маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув муассасаларида тушунтириш ишлари ва суҳбатлар ўтказилди.



идоралари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар кучайтирилган тартибда давом эттирилмоқда. Чунки йўлларимизда ҳамон йўл-транспорт ҳодисалари рўй берапти. Уларнинг олдини олиш учун эса одамлар онгига йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш заруратини шакллантириш лозим. Ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёда бўлишдан қатъи назар, ўзи ва атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини англаши зарур. Акс ҳолда... Келинг, шу ўринда бир нечта мисол келтириб ўтайлик.

2010 йил 5 январь кўни соат 19.30 ларда Андижон вилоятининг Избоскан туманида йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди. Шу кўни Пахтабод туманининг Бўтақора маҳалласида яшовчи Азизбек Ҳўрмаматов ҳайдовчилик гувоҳномасисиз, транспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи ишонч қорози бўлмаган ҳолда амалиётига тегишли «Дамас» русумли автомашинани бошқариб бораётиб йўл четиди кетаётган пиёда Луғбек Турғуновни уриб юборди. Натижада пиёда олган оғир тан жароҳати туфайли шифохонада ҳаётдан кўз юмди.

Яна бир ҳодиса Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида содир бўлди. 7 январь кўни кеч соат 00.30 ларда Зафар Саидов транспорт воситасини бошқариб ҳуқуқини берувчи ҳужжати бўлмаган ҳолда Собир Раҳимов туманида яшовчи Дилноза Соатовага тегишли «Матиз» русумли транспорт воситасини бошқариб кетаётиб ҳайдовчи Шерзод Усмонов ишонч қорозисиз бошқараётган, Элдор Ваҳобовга тегишли «Матиз» русумли автомашина билан тўқнашув содир этади. Натижада 6 нафар фуқаро тан жароҳати олади.

Ҳаракат иштирокчилари йўлларда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси, деб билмасликларини истарди. Республика микёсида 2009 йилнинг декабрь ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йўл-транспорт ҳодисалари сони 1046 тадан 1029 тага, уларда ҳалок бўлганлар сони 243 нафардан 163 нафарга, жароҳатланганлар 1170 нафардан 1106 нафарга, болалар иштирокидидаги ҳодисалар 146 тадан 101 тага қайишига эришилди.

Мансуржон РИХСИЕВ,
ИИБ ЙҲХББ катта инспектори,
подполковник.

УЮШҚОҚЛИК СЕЗИЛИБ ТУРДИ

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» Андижон тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳама ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситалари ҳайдовчилари, пиёдалар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида қатор профилактик тадбирлар амалга оширилди.

Йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилиш, содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари, ушбу кўнгилсизликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳусусида тумандаги маҳалла, корхона, ташкилотлар, умумтаълим мактаблари, лицей, коллежларда учрашув, суҳбат ва очик мулоқотлар уюштирилди.

Олиб борилган сай-ҳаракатларга қарамадан йўл қоидаларини менсимай, ўзи ҳамда ўзгалар ҳаётига хавф солаётган ҳайдовчилар ҳамон учраб турибди. Ўтган йил давомида туман ҳудудида 120 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилиб, бунинг оқибатида 16 нафар фуқаро ҳаётдан бевақ кўз юмди. 126 нафари турли даражада тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Ушбу йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари

ўрганилганда айрим ҳайдовчиларнинг машинани маст ҳолда бошқариши, белгиланган тезликни ошириши, қорраҳада ўтиш қоидаларига риоя этмаслиги оқибатида рўй бергани аниқланди.

2009 йил 16 ноябрь кўни Избоскан туманида яшовчи Х. Йўлдошев ўзининг «ЗИЛ» русумли автомашинасини Бўтақора қишлоғи ҳудудида ўтган «Андижон — Тешиктош» йўлида катта тезликда бошқариб бораётиб, рулни эплай олмай қарама-қарши томондан келаётган «Нексия» русумли автомашина билан тўқнашиб кетган. Натижада «Нексия»даги йўловчи, Ж. Мамажонов олган жароҳати туфайли касалхонада оламдан ўтди.


Тадбир давомида шунга ўхшаш ҳодисалар жойларда муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди. Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқди», деган нақл бор. Юзага келаётган аянчли воқеаларда ҳайдовчиларгина эмас, балки пиёдаларнинг ҳам айби бор. Шундай экан кўнгилсизликларнинг олдини олишга барчамиз масъул эканлигимизни асло унутмайлик ва ўзимизнинг ҳамда ўзгаларнинг хавфсизлигини таъминлайлик.

Мансурбек ҒУЛОМОВ,
сержант.

Андижон вилояти.

Республика ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Ашула ва ракс ансамбли бошлиғи, катта лейтенант Учқун Тиллаевга онаси	Республика ИИБ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши қалфада бошлиғининг уринбосари, подполковник Муҳиббек Рустамовга волидаи муҳтарамаси	Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ЙҲХБ 1-ИПХ отряди ИПХ инспектори, катта сержант Бектош Мирзаевга падари бузруквор
МАСТОНА аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.	ОЗОДА аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.	АБДУРАҲИМ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
Республика ИИБ ШТБМИ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент вилояти ИИБ ШТБМИ катта тезкор вакили, майор Анвар Алимоновга волидаи муҳтарамаси	Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси	Республика ИИБ портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича махсус отряднинг Бухоро вилоятига хизмат кўрсатиш бўйича ғуруҳ командири, подполковник Р. Раҳимовга отаси
ЗУЛИХО аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.	ЧИНОЗ БОБО ШЕРМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.	АХМАД бонинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ёшин ҲАКИМОВ,
капитан.



Эр йигит — Эл таянчи

Эр йигитлари, ёвқур ўғлонлари бор юртга биров дахл қилолмайди. Паҳлавон фарзандлар Ватанини, халқини ҳамиша ишончли ҳимоя қилади, тинчлигини таъминлайди.

Бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган марди майдонларимизни ҳақиқий равишда ана шундай ботирлар сира-сидан санасак, муболага қилмаймиз. Осойишталик йўлида ўз ҳузур-халоватларидан кечиб, мардлар қасбини шараф деб билган азаматларимиз постларида оғоҳ ва сергакдирлар. Уларнинг ҳар томонлама шаклланишлари, юксак маҳорат соҳиблари бўлишларида тайёргарлик машғулотларининг узлуқсиз ва сифатли тарзда олиб борилиши муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, посбоннинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлашда дала-ўқув машғулотларида эгаланган сабоқлар ўзига хос ўрин тутаяди. Шу боис ҳам дала-ўқув машғулотларини посбон учун синов майдони, десак хато қилмаймиз.

Офицер Аҳрор Тўланов бошчилигидаги посбонлар дала шароитида жанговар тайёргарлик машғулотини ўтказишмоқда. Машқлар тоғолди ҳудудида ўтаётгани боис ҳужум ва мудофаа жанглари ҳарбий техникалар ёрдамида ҳамда пиёдалар ғуруҳи бўлиб амалга оширилиши назарда тутилган. Мана, тўлиқ жанговар ҳолатдаги шахсий таркиб белгиланган жойга етиб келди ва қоидага мувофиқ сафланди. Вазод командири А. Тўланов машғулот раҳбари офицер З. Назарова шахсий таркиб машғулотга тайёр экани ҳақида билдирди берди. Масъул офицер Назаровнинг буйруғига биноан вази-фалар тақсимланди.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Азиз Тулебаев мударатли ҳарбий

хизматчиларга жанговар қуроллардан нишонларга отиш тартиби, қатъий риоя этиш лозим бўлган хавфсизлик қоидаларини етказиб, йўриқнома берди.

Шундан сўнг ғуруҳлар таркибида жанговар техника билан ҳужум ва мудофаа машғулотлари бошланди.

Таъкидлаш жоизки, машғулот давомида посбонларнинг гайрат-шижоати, ҳар бир босқичдаги вазифаларни уюшқоқлик билан адо этиши, тезкор, аниқ ва ишончли тарзда ҳаракатланиши яққол кўзга ташланди.

— Вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида адо этилиши ҳамда машғулотларнинг юқори савияда ўтишига ғуруҳлар таркибида сержантлар ва мударатли ҳарбий хизматчиларнинг биргаликда ҳаракатлангани асос бўлди, деб ўйлайман, — дейди масъул офицер З. Назаров. — Чунки шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар ҳарбий илм сирларини эгаллаган, машғулотларда шаклланган ҳарбий хизматчилардир. Айнан уларнинг қўллаб-қувватлашлари ҳамда етакчилиги ёш аскарларга ҳар томонлама қўл келди. Аскарларимиз улардан бевосита амалий машғулотлар давомида ўрганиб, билмаларини мустаҳкамлашмоқда. Шу боис ҳам сержантлар аскарларнинг устозларида! Бемалол улар ҳақида, билим ва маҳорати муштарак мардлар, десак бўлади.

Албатта, муваффақиятга эришишда шахсий таркиб ҳар бир аъзосининг ҳиссаси бор. Бирок саралар ичра сара ва маҳоратлиларнинг маҳоратлиси бўлганлар ҳам борки шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий

КЎЗИНГ КЎЗГУСИДА ВАТАН КЎРИНСА

ШҲРҲЛИКЛАР

Кўзинг кўзгусида Ватан кўринса,
Дилинг ёғдусида Ватан кўринса.
Бахтим боқий десанг, ярашур, эй дўст,
Боланг туйғусида Ватан кўринса.

Кудрату журъатнинг ёниқ тимсоли,
Оташ муҳаббатнинг гулгун висоли,
Бу ёшлик, ўт, олов, баркамол авлод,
Армонсиз орзунинг оппоқ хаёли.

Ўлгунча боласан отанг олдида,
Сўлмаган лоласан онанг олдида.
Чархнинг ўйинига ёқа ушлайсан,
Қартайгач боласан, боланг олдида.

Набирамнинг новвот тили, навоси бор,
Минг дардимда бир ўзининг давоси бор.
Ҳақ қўлласа, иззати ёр инсон бўлар,
Бобосининг бахт балқиган дуоси бор.

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

ТИНЧЛИКНИ АСРАНГ

Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос!
Уйда қалдирғочдек кутган болалар,
Ўйингизга термулган ўйчан келинчак,
Онанинг бондода йиғлаб сўраган,
Илтижолар ҳаққи асранг, илтимос.
Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос!
Сиз борсиз кечалар сут каби оппоқ.
Юрак боғларида очилади гул,
Минг шукур ўзбекман – дейди, энтиқиб,
Ҳар кун тўйдан чиқиб, тўйга борган эл,
Пок дуолар ҳаққи асранг илтимос!
Тошкент дур, Наманган боғлари жаннат,
Андижон, Фаргона беҳиштга монанд,
Хоразм, Бухоро кўҳна Самарқанд,
Жиззах учун асранг, Навоий учун,
Қорақалпоқдаги Элликкальалар,
Гўзал Қашқадарё, гул Сурхондарё,
Сирдарёлар ҳаққи асранг илтимос,
Шу тинчликни асранг, сиздан илтимос!
Навоийдан қолган нурли сатрлар,
Қалбимни ёритган сирли-сатрлар,
Пахлавон Махмуддан пирли сатрлар –
Хувайдолар ҳаққи асранг илтимос,
Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос!
Етти иқлим келиб бошин ургувчи,
Ҳайратдан майсалар тошни ёргувчи,
Яратганга яқин – яқин борувчи,
Муқаддас, муборак зиёратгоҳлар,
Авлиёлар ҳаққи асранг илтимос,
Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос!
Нохосда ловуллаб ёнди дафтарим,
Мен ҳам кўп йиғладим, мен ҳам дил ярим,
Акамсиз, укамсиз, жоним, жигарим,
Дерлар: асралганни асрайди танграм,
Қодир худо ҳаққи асранг илтимос,
Шу тинчликни асранг, Сиздан илтимос!

Зулфия МҲМИНОВА.

ЖАННАТИМ ЎЗИНГ

Жаннатларга тенгим, жаннатим ўзинг,
Оллоҳнинг назари тушган Ватаним.
Фурур, ифтихорим, давлатим ўзинг,
Сенга фидо бўлсин бу жоним маним.

Менинг ғариб жоним не ҳам қилурсан,
Сенга жонинг фидо қилганлар бисёр.
Мен сенси Ватаним, ким ҳам бўлурман,
Менсиз ҳам мукаммал экансан, диёр.

Севара АЛИЖОНОВА.

ПОСБОНЛАРИМИЗГА

Ўзбекистон марди майдони,
Сарҳадлари сергак посбони,
Тинчлигимиз пўлат қалқони,
Эй, посбонлар, бўлинг саломат,
Мард ўғлонлар, Сизга бахт, омад!

Нақорат:
Саждагоҳим – Ватаним деган,
Қиблагўҳим – Ватаним деган,
Унга фидо жон-танзим деган,
Эй, посбонлар, бўлинг саломат,
Мард ўғлонлар, Сизга бахт, омад!

Халқимизнинг кучи-қудрати,
Ватанимиз шони-шўхрати,
Юрт тинчлиги ўйи-нияти,

Эй, посбонлар, бўлинг саломат,
Мард ўғлонлар, Сизга бахт, омад!

Ўзбекистон – мардлар макони,
Бордир Олий Бош Қўмондони,
Мусаффордир, тиниқ осмони,
Эй, посбонлар, бўлинг саломат,
Мард ўғлонлар, Сизга бахт, омад!

Нақорат:
Саждагоҳим – Ватаним деган,
Қиблагўҳим – Ватаним деган,
Унга фидо жон-танзим деган,
Эй, посбонлар, бўлинг саломат,
Мард ўғлонлар, Сизга бахт, омад!

Искандар РАҲМОН.



ҚҲРҲОНИНГНИ АСРА, ХАЛҚИМ

Ватан борки, мудом бошимиз осмондир,
Ватансиз оламда тириклик ёлғондир,
Ватан аждодларим қурган зўр қўғондир,
Қўксинг узра тутиб метин қалқонингни,
Қўғонингни асра халқим, қўғонингни!

Юрт яшнагай Истиқлолнинг қуёшида,
Дил яйрар мард сарбон турса юрт бошида,
Буюк ишлар бунёдкорни юртбоши-да,
Олисларга бошлар улуг қарвонингни,
Сарбонингни асра халқим, сарбонингни!

Тинчинг асрар ахдга содиқ ўғлонларинг,
Элим деган мағрур қўкси қалқонларинг,
Керак бўлса, фидо айлар ўз жонларинг,
Қарга-зоғлар ололмагай бўстонингни,
Посбонингни асра халқим, посбонингни!

Йўл бермагил асло қора қўзғунларга,
Бор қилмиши ёвузлиги бузғунларга,
Қўкни тўлдири эзгу ёғду ёлқунларга,
Шофақларга ёзиб шараф дostonингни,
Осмонингни асра халқим, осмонингни!

Зикрилла НЕҲМАТ.

Нимтабассум

– Жасур аскар эҳтиёткор аскардан нима
маси билан фаркланади?
– Жасур аскар командирнинг камчи-
ликларини юзига шартта айтади.
– Эҳтиёткор аскар-чи?
– У ҳам айтади. Фақат...Телефон ор-
қали.

Аскар уйдан хат олди. Хатни очган-
да ичидан оққоғоз чиқди.
– Биласанми, ўртоқ, – деди у оғайни-
сига, – армияга кетишдан аввал яхши
қўрган қизим аразлаб қолганди. Шундан
бери гаплашмайди.

АСКАР ХАНДАЛАРИ

Аскарлар навбатдаги машқ пайтида са-
молётдан парашютларда сакрашмоқда.
– Ёрдан беринг! – деб бақирди бир йи-
гит. – Менинг парашютим очилмаяпти.
– Ҳечқиси йўқ! – деб унга тасалли берди
ёнидан учиб кетаётган бошқа аскар.
– Бу бор-йўғи машқ холос.

– Ҳарбий қисм кинотеатрида детектив
кино кетаяпти. Бош қахрамон аёл ўзининг
хиёнаткор эрини отиб ўлдирди-да, овози-
нинг борича бақирди:
– Э, Худойим, энди нима қиламан?
Залда ўтирганлардан бири унга жавобан деди:
– Нима қилардинг? Қуролни тозалаб
қуролхонага топшир!

– Уйқуси қочган аскар шеригига деди:
– Тушимда 20 нафар душман аскарла-
ри асирга олиш ниятида орқамдан қув-
ганмиш.
– Дарров уйғониб кетмадинг-ми?
– Ие, кўрқди деб, ўйлашсинми?

– Сержант ҳайдовчиларга янги ма-
шинанинг қўлай томонларини тушуни-
ряпти:
– Бу машина энг сўнгги янгилик ҳисоб-
ланади. Товушдан ҳам тезроқ ҳаракатла-
на олади. Энг яхши томони шуки, сиз ҳали
моторни ўт олдирамсингиздан касалхо-
нада турган бўлади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истефодаги полковник
Абдуқодир НУРБОЕВИ таъриф: 60 ёшга тулгани билан са-
мимий муборакбод этамиз. Устозимиз, софдошимиз ва дўсти-
мизга узоқ ва мазмунли умр, муваффақиятлар, яна кўп
ишлар бардам-бақувват бўлиб, фарзандлари, шогирдлари, саф-
дошлари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти,
шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши.

Ички ишлар идоралари фахрийси, истефодаги под-
полковник Нурмуҳаммад ЭҲОМОВИ туғилган кунини,
мучал ёши билан самимий табриклаймиз. Дўстимиз,
қадридонимизга узоқ ва мазмунли умр, сўхат-саломат-
лик, оилавий хотиржамлик, фарзандлари камолини
қўриб, кўп ишлар шогирдлари, дўстлари даврасини
тўлдириб юришини тилаймиз.

Эҳтиром ила дўстлари номидан
Садриддин.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҲЙ.
Аниқ мақсад сари бошланган ҳаракатлар-
да имконият, куч-қувват етарли бўлса, бош-
қалардан ёрдан кутмаган маъқул. Интизомга қатъий
риёя этиш, дадил қадам ташлаш мақсадга эришишда
муҳим омил бўлади. Ютққа бирдан эришишни орзу
қилманг, секин-асталик билан қўлга киритилган ютуқ
ҳам самарали, ҳам мустаҳкам бўлади.

СИГИР.
Ҳафтанинг биринчи ярми дўстлар, таниш-
лар билан мулоқот қилиш, мазмунли суҳбат
қилишга қўлайдир. Ҳафтанинг иккинчи ярми ижодкор,
илм-фан билан шуғулланувчилар, спортчилар учун
омадли келиши қўлимда. Юлдузлар бу ҳафтада яна
илм олиш, тажрибани бойитиш учун ҳам имкониятлар
пайдо бўлишидан дарак берапти.

ЭГИЗАКЛАР.
Атрофдагиларнинг диққатини тортиш,
обру-этиборга эга бўлиш ҳисси ҳаёлингиз-
ни қўлга олиши мумкин. Бунга ҳаракат қилиб эри-
шиш мумкин, аммо вақтинчалик бўлишини унутманг.
Камтарга камол деб беҳиз айтишмайди. Жиддий ма-
салаларни ҳал этиш, инвестиция, кредит олиш, қайта-
риш ишлари билан ҳафтанинг иккинчи ярмида шуғул-
ланган маъқул.

КИСКИЧБАКА.
Дунёқарашингизда маълум ўзгаришлар
бўлиши қўлайдир. Бу аввало билимни оши-
риш, янги ҳаёт тажрибаларини ўрганиш ҳисобига бўли-
шини унутманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида шахсий му-
носабатларда фаоллик ортиши мумкин. Айрим маса-
лалар ҳам шу ҳафтада ечимини топиши эҳтимолдан
холи эмас. Янги танишувлар ҳам қўлайдир.

АРСЛОН.
Бу ҳафтада ҳаяжонлини, ҳис-туйғуга бе-
риллиш қабилар одатдагидан кўпроқ бўлиши
мумкин. Ҳаётингизда ўзгариш ясаган иштиёқ туғил-
са, ўйлаб қўрган маъқул. Иш билан боғлиқ масалалар
ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳал бўлиши қўлайдир. Са-
ломатлиқни сақлаш учун ҳам қўлай келади. Парҳез
қилиш, жисмоний тарбия билан шуғулланишни мас-
лаҳат берамиз.

БОШОҚ.
Юлдузлар бу ҳафтада умр йўлдошингизга
нисбатан ишонч ортиб, ўзаро муносабатлар
янада мустаҳкамланиши мумкинлигидан дарак бер-
моқда. Ёшлар ўз жуфтларини топиш имкониятига эга
бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Ҳафтанинг иккин-
чи ярмида эса ҳар қандай ижодий ишлар билан шу-
ғулланишга кўпроқ эътибор бериш талаб этилади.

ТАРОЗИ.
Ҳафтанинг биринчи ярмида иш билан боғ-
лиқ ҳар қандай масала ўз ечимини топиши
мумкин. Бунинг учун аниқ режа асосида ҳаракат қилиш
лозим бўлади. Уй-рўзгор юмушлари, саломатлиқни
сақлаш учун ҳам вақт ажратишни маслаҳат берамиз.
Ҳафтанинг иккинчи ярмини тўла уй юмушларига, таъ-
мирлаш, қайта қуриш ва дам олишга бағишланг.

ЧАЁН.
Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярми
ижодий фаолият ва севган ишингиз билан
шуғулланишни маслаҳат берапти. Ижодда янги им-
кониятлар туғилиши қўлимда. Ҳафтанинг иккин-
чи ярмида дўстлар билан учрашувлар бўлиши мум-
кин. Янги режа, лойиҳаларни муҳокама қилиб
олинг. Қисқа бўлса-да, саёхатга чиқишга вақт аж-
ратган маъқул.

ЁЙ.
Оилавий масалаларни ҳал этишга ҳафта
бошидан киришган маъқул. Яқинларингиз
билан муносабатни бузмасликка ҳаракат қилинг. Мо-
лиявий масалалар ечимини учун ҳафтанинг иккинчи ярми
қўлай келиши қўлайдир. Даромад ва ҳаракатларни
таҳлил қилиб, энг зарур буюмларни сотиб олишни
маслаҳат берамиз. Техамкор бўлишни унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ.
Ҳафтанинг биринчи ярми учрашув, му-
лоқотларга бой бўлиши қўлайдир. Қисқа
саёхатга чиқиб, асабга дам беришга ҳа-
ракат қилинг. Ўз устидан ишлаб, дунёқарашни ке-
нгайтириш имкониятидан фойдаланинг. Бу ҳафта
спорт билан шуғулланиб, саломатлиқни мустаҳкам-
лашни маслаҳат берамиз. Оила даврасида дам олиш-
га ҳам вақт ажратинг.

КОВҒА.
Юлдузлар ушбу ҳафтада ҳаётингизда бир-
роз ўзгаришлар бўлишидан дарак берапти.
Ҳафта бошида молиявий масалаларни ҳам ҳал этиш
мумкин бўлади. Ҳар қандай шароитда асабни бузмай,
кайфиятни яхшилашга ҳаракат қилинг. Бу ҳафта ай-
рим сирларни очиб, унутиб юборилган воқеаларни
эслаш, тиклаш учун ҳам қўлай келиши мумкин.

БАЛИК.
Маъқур ҳафтада ўзингизни хотиржам ту-
тишга ҳаракат қилинг. Ташқи қўрилишни
ўзгаришларингиз ҳам мумкин. Дўстлар билан учрашиб,
суҳбатлашиш учун ҳафтанинг иккинчи ярми қўлай ке-
лади. Қўшма режалар тузиб, шахсий муносабатларни
мустаҳкамлашда, яқин кишиларингиз ва дўстлар мас-
лаҳати қўл келишини эслатиб ўтамиз.